

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2003 йил, 3 апрель, пайшанба № 41 (1773).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 3 апреля, 2003 г. № 41 (1773).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

2003 ЙИЛНИНГ 1 МАЙИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ,
ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ
НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТУҒРИСИДА

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1.20 баравар оширилсин.

2. 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи — ойига 5440 сўм;

Энга доир пенсиялар — ойига 10765 сўм;
ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 5440 сўм;
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 10765 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 6520 сўм миқдориди белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунинг-

дек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2003 йил 1 майдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетни ва бюджет-

дан ташқари Пенсия жамгармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йилнинг 1 январидан бошлаб даромад (фойда)дан олиннадиган солиқ 24 фойздан 20 фойзга; давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий ажратмалар меҳнат ҳақи фондининг 40 фойзидан 37,2 фойзига камайтирилганлиги муносабати билан бўшайдиган маблагларни мана шу мақсадларга йўналтириш ҳисобидан 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширилсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3101-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ,
Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 апрель.

● ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР

Письмо Президента

В пограничной части, которой командует майор Авазбек Курбанов, радостное оживление. Накануне празднования Дня части рядовому Нодирбеку Каххарову, проходящему здесь срочную военную службу, пришло письмо от Президента Республики Узбекистан — Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Абдуганиевича Каримова.

На мероприятие, посвященное этому событию, приехало немало гостей. В их числе Председатель КОГГ генерал-лейтенант Г. Тишаев, начальник Управления воспитательной работы КОГГ полковник М. Нуридшинов, заместитель хокима

Ферганской области Х. Каримов, хоким города Коканда А. Ходжаев, старший брат рядового Каххарова — Джанхонгир, представители средств массовой информации.

Все выступавшие выразили уверенность, что это письмо найдет самый широкий отклик у воинво-пограничников и всего личного состава Вооруженных Сил Республики Узбекистан и окажет большое влияние на качественное выполнение ими своего воинского долга.

Соб. инф.

(Подробную информацию об этом событии читайте в следующем номере газеты «Ватанпарвар»).

● ҲАРБИЙ ПРОФЕССИОНАЛЛАР

Ҳайдовчилар устози

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Абдуҳомид Бозоровга нисбатан сарлавҳадаги иборани ишлатишга тўла асосимиз бор. Чунки у БТР секцияси командири сифатида ўқув қисмда механик-ҳайдовчиларни тайёрлаш учун жавобгар шахс.



Қуролли Кучларимиз сифиди бешинчи баҳорини қаршилаган бу йилги муддатли хизматини танқилар қисмида бошлаганди. Кейинчалик бронетранспортёр ҳайдашни ўрганиб, тез орада малакали мутахассис бўлиб етишди.

(Давоми 2-бетда).

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти фаоллари, юқори кўрсаткичларга эришган спортчилар ва танловлар ғолиблари, оммавий ахборот воситалари ходимларини 2002 йил якунларига кўра тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, Конституциямизнинг Ватанини ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларини тарғиб этиш, кенг халқ оmmasига, хусусан, ёшларни меҳнатга ва Ватанини ҳимоя қилишга тайёрлаш каби эзгу вазифаларни мақсади деб билган ва бу борада изчил иш олиб бораётган «Ватанпарвар» ташкилоти юр-

тимизда кечаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Ташкилотнинг ўттиздан зиёд ўқув муассасасида қарийб қирққа яқин ихтисос бўйича Қуролли Кучлар учун мутахассис ходимлар тайёрланади. Машғулотларни ҳозирги замон талаблари даражасида ва юксак услубий савияда ўтказиш имконини берадиган моддий негиз ҳамда курсантларнинг таълим олиши, маданий ҳордиқ чиқариши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилган. Ўз касбига меҳр қўйган, билимдон ўқитувчи, уста ва мураббийлар томонидан ўқув-тарбиявий ишлар «Мардлар қўриқлайди, Ватанини» шиори остида ўтказилаётир. Бу сазой-харажатлар ўз касбининг моҳир усталари, мард ва ҳар қандай му-

раккаб шароитда ҳам ўзига юкланган тошларини уздай оладиган техник мутахассислар етиштириш имконини берапти.

Ташкилот тизимларида ҳар бир ўқув йили тугагандан сўнг маънавийат ва ҳарбий-ватанпарварлик масалалари, Қуролли Кучлар учун етуқ мутахассислар ва халқ хўжалиги эҳтиёжи учун ҳарбий-амалий аҳамиятга эга бўлган оммавий касбдаги мутахассисларни етиштириб бериш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ишлари сарҳисоб қилинади. Бу гал ҳам танлов асосида юксак кўрсаткичларни қўлга киритган ғолиблар Марказий кенгаш томонидан рағбатлантирилди, диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

(УЗА).

● ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ



ковник **Ботир Исроилович Мирзамухамедов** билан бевосита мулоқот уюштироқда.

2003 йил 12 апрель, шан-

ба кунн соат 11.00 дан 13.00 гача сиз тахририятимизга:

56-07-80
56-17-98
56-04-60

телефонлари орқали мурожаат қилишингиз ва ўзингизни қизиқтирган саволлар буйича тўлиқ ахборот олишингиз мумкин. Бошқа шаҳарларда яшовчилар учун Тошкент шаҳри коди —

371-2 эканлигини маълум қиламиз. Узоқ гарнизонларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар махсус алоқа линияларидан фойдаланишлари мумкинлигини эслатиб ўтаемиз.

Шунингдек, олдиндан тахририят манзилига саволларингизни ёзма равишда юборишингиз ҳам мумкин.

Ҳурматли муштарийлар, сизнинг хат ва қўнғироқларингизни кутамиз!

ТАХРИРИЯТ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муддатли ҳарбий, муқобил хизматининг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни Қуролли Кучлар сафидан бўшатиш ва навбатдаги қақриув тўғрисидаги Қарори яқинда матбуотда эълон қилинди. Бундан бун қақриув Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган янги тахрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий

● ИСЛОХОТЛАР ПУЛИДА

Тарбиячи тафаккури бойиса

Бугун Мудофаа вазирлиги тизимидаги офицерлар учун мўлжалланган ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича малака ошириш курси ўз ниҳоясига етди. Тўғри, тарбиявий ишларни юритувчи офицерлар билан шунга ўхшаш амалий, услубий йиғинлар, курслар кўп бора ташкил этилган. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ташкиллаштирилган мазкур курсни эса моҳиятига кўра даслабкиси дейишга асосимиз бор.

Замонавий армия сафларида хизмат қилиш учун жисмоний баркамолликнинг ўзи камлик қилади. Дейлик, посбон чиниққан бўлиши, нишонларга бехато отиши, тўсиқлардан осонликча ошиб ўтиши мумкин. Аммо у ким учун хизмат қилаётганини, кимни, нимани ҳимоя қилаётганини юракдан англамаса унинг жисмоний маҳорати бекор. Шу боис ҳам Президентимиз ўзларининг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам қафолатидир» китобида бунга катта эътибор қаратиб «...Бунинг учун ҳарбий соҳадаги маънавий тарбия ишларини тубдан яхшилашимиз, аскарларимиз, ҳарбий хизматчилар онгу тафаккурига миллий истиқлол гоёси тамойилларини чуқур сингдиришимиз керак», дейди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўладиган жа-

раён эмас. Шу боис аввало тарбиячи офицерлар билан иш олиб бориш, уларнинг тафаккурини бойитиш талаб этилади. Ташкил этилган малака ошириш курсидан мақсад ҳам шу эди.

Курснинг даслабки кунни тарихдан сабоқлар берилиб, ўзаро мунозара қилинди. Бунда академик Т. Долимов, профессор Р. Сулаймонов, доцентлар У. Раҳмонов, Э. Ишояхўжаева, А. Холлиев, катта ўқитувчи А. Хидировларнинг маърузаларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Айниқса, доцент У. Раҳмоновнинг «Ўрта Осиё халқларининг қадимда ва ўрта асрлардаги ҳарбий санъати» мавзуси тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Яна бир гап. Қуруқ ваъзхонлик, маърузабозлик ўз самарасини бермайди. Шу боис курсга янгича услубий ёндашувлар

киритилганди. Масалан, тушликкача бўлган машғулотлар асосан маъруза, мунозараларни қамраб олса, тушликдан сўнг олимлар ва офицерлар ўтилган мавзулар доирасида давра суҳбати ўтказилади.

Ҳўш, Ўзбекистондаги макрониктисодий ҳолат ва ислохотларни чуқурлаштириш йўллари қандай? Профессор А. Воҳобовнинг мазкур мавзудаги маърузаси иқтисодиёт фани бўйича машғулотларни бошлаб берди.

Ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, психология, педагогика фанларидан ташкил этилган машғулотлар билан курснинг даслабки ҳафтаюна яқин ясалди. Шунча соҳада маърузалар ўқилиши, сабоқлар берилишининг нима кераги бор, дея хулоса чиқаришга шоямизан. Дейлик, ҳуқуқшунослик бўйича, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлари қай йўсинда давом этмоқда? Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги одимларимиз салмоғи қандай? Бу каби саволлар, масалалар моҳиятини чуқур англа-

маган тарбиячи офицер ислохотлар талабига жавоб бера олмайди-да. Еки бўлмаса бедор дунёда турли можаролар, урушлар давом этмоқда. Бундай иқтилофларни сиёсий таҳлил қилиш учун сиёсатшунослик фанидан бөхабар бўлмоқ керак. Ниҳоятки зид муносабатлар таҳлили кўпинча тарбиячи офицернинг посбон руҳиятини яхши билмаслигини кўрсатади. Курсда психология фанидан профессорлар Б. Қодиров, Э. Ғозиевлар бу борада офицерларга кенг амалий, назарий тушунчалар берди.

Курснинг иккинчи ҳафтаюна педагогика, давлат ва жамият назарияси асослари, миллий гоё, диншунослик каби фанлардан машғулотлар ўтилди. Эътибор берган бўлсангиз, малака ошириш курси шундай асосда ташкил қилинганки, унинг негизда миллий истиқлол гоёси тамойиллари мужассам. Келинг яхшиси, бу хусусда курс тингловчиларининг ўзларидан эшитайлик.

Подполковник Ш. Маъжидов, Чирчиқ олий танк қўмондон-

лик-муҳандислик билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари:

— Менимча бундай малака ошириш курсларини мунтазам ўтказиб туриш керак. Бугуннинг талабларига, ислохотлар талабларига жавоб берувчи офицер тарихимизни, иқтисодиётимизни, ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ўзгаришларни мукамал билмоғи жоиз. Билим юртимизда ҳам бу каби фанлар бўйича бўлгуси офицерларга сабоқлар берилади. Аммо мазкур курс давомида кўп-лаб янги маълумотлар олдиқ. Фанларни ўқитишнинг янги услубий жиҳатларини кашф этдик.

Подполковник А. Ҳамидов, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари:

— Қуролли Кучлардаги ислохотлар тарбиявий ишларни ҳам қайта тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Ишончим комилки, шу маънода курс гоёта аҳамиятли бўлди. Ҳатто баъзи фанлардан берилган сабоқлар биз учун янгиликдир. Курсантларга, бўлгуси офицерларга олган билим, малкаларимиз бўйича сабоқлар бериб, уларни ислохотлар талабидидаги ҳарбийлар қилиб тарбиялаймиз.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Тайёргарлик кўрмоқдамиз

Ҳарбий хизматнинг даслабки ойлари мен учун жуда ҳам ҳалқонларга тўлиқ бўлди. Авваллари армия ҳаёти ҳақидаги тасаввурим ниҳоятда тор эди. Эндиликда олган тажрибаларимга суяниб айтганим, йигит киши армия ҳаётини кўриши шарт эмас. Мен бу ерда мустақил фикрлашни, ишни режалашни ўргандим. Кундан-кунга ҳарбий хизматга меҳрим ошмоқда. Менга ҳарб илминини мукамал ўрганишда, армия ҳаётига меҳр уйғотишда

бўлимимиз командири катта лейтенант А. Шодиев, унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лейтенант А. Қодиров, кичик сержантлар А. Чориев, Б. Сувоновлар яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Айни дамда бўлимимиз шахсий таркиби кишини мавсум ўқув машғулотларининг яқиний синовларига жиддий тайёргарлик кўрмоқда.

Оддий аскар Мираббор ЮСУПОВ.

● ЧАҚИРУВ—2003

Юракдан ҳис қилиб

— Ҳозир республикамизнинг барча мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларидаги сингари Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани мудофаа ишлари бўлимида ҳам баҳорги чақирув қизғин олиб борилмоқда. Зеро бу мавсумга доир иш тадбирлари олдиндан белгиланиб, тегишли идора ва ташкилотларга юборилди. Туман маҳаллаларида баҳорги чақирув арафасида турли учрашувлар ташкил қилинмоқда, — дейди бўлим бошлиғи майор Д. Иброимжонов. — «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосланиб, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилиш муддатини кечиктириш, муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга чақирилишдан озод этиш тўғрисидаги ва бошқа моддалар бўйича фуқароларимизга тўлиқ тушунтиришлар берилмоқда.

Ватанпарварлик ва бурчга садоқат руҳида тарбияланган армиямиз ёшлари мамлакатимиз ва халқимиз тинч-осойишталиги йўлида астойдил хизмат қилишмоқда. Она-Ватанга хизмат қилиш шарафли ва масъулиятли бурч эканлигини англаган йигитлар қисмларда янада чиниқмоқдалар, маънавият ва жисман улғаймоқдалар. Турли ҳарбий қисмлар ва бўлимларда хизмат қи-

лаётган И. Очилов, З. Турдалиев, А. Еременко, А. Усмонов каби аскарларнинг жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда юқори натижаларга эришганлиги тўғрисида туман мудофаа ишлари бўлимига миннатдорчилик хатлари келиши бунинг яққол далилидир.

— Бўлимимизда баҳорги чақирув тадбирлари белгиланган режа асосида олиб борилмоқда, — дейди туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи полковник Р. Ташходжаев. — Чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари учун қулай шароитлар яратилган. Тиббиёт комиссияси юқори малакага эга врачлардан иборат. Қуролли Кучларимизнинг қисм ва бўлимларига фақат соғлом ёшларни жўнатиш асосий вазифаларимиздан биридир.

Юртин осойишта ва нурафшон қилиш ёшларимизнинг зиммасидадир. Халқнинг мақтов, кўрки, наслининг жавҳари, давлат таянчи, юрт ободлигига тўйлар сабаби, элнинг гуркираши, файзу қувончи ҳам бу чақирувга келган йигитлардир.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Бу азиз Ватан барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқбол, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир».

Она-Ватан посбонларига омадлар тилаймиз.

Лейтенант Ҳасан МИРЗАЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Ҳайдовчилар устози

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қуруқликдаги кўшинларнинг асосий жанговар қуроли саналмиш БТРнинг замонавий жангда фаол қатнашиши кўп жиҳатлардан механик-ҳайдовчиларга боғлиқ. Масалан, ҳужум чоғида тезкорлик билан ўт очини позицияларини алмаштириш, майдон нотекисликларидан оқилона фойдаланиш, жанговар қуролдан ўт очилганда мўлжалга олувчига қулай шароитлар таъминлай олиш каби хислатлар механик-ҳайдовчи учун жуда зарур. Ҳуқуқ қисмига келган ёш аскарларни тайёрлаш вақтида кичик сержант А. Бозоров биринчи навбатда ана шу масалаларга эътибор беради.

Бер-йўғи олти ой ичида ёш йигитдан ҳақиқий механик-

ҳайдовчи чиқиши учун икки томон — устоз ва шогирд — анча тер тўкиши лозим. Назарий билим ва кўникмалар билан бирга амалий машқларни ҳам тез-тез бажарилиши талаб қилинади. Демак, бўлимимизга бйриктирилган жанговар машиналар мунтазам равишда техник кўриқдан ўтказилиб, ҳар бир қисми сингковлик билан текширилишига жанговар ўқув режалари узлуксиз амалга оширилишига қафолат бўла олади.

— Кичик сержант Бозоров каби фидойи мутахассисларимиз борлиги доимо юзимиз ёруғ бўлишини таъминлайди, — деб таърифлади қўл остидаги ҳарбий хизматчини гуруҳ командири лейтенант Фахриддин Тургунов. — Вақт билан ҳисоблашмай,

дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса ҳам, жанговар машиналарни сошлаш учун ҳар доим тайёр туради.

Полигонга чиққанмизда кичик сержант А. Бозоровнинг бўлимимиз директрисада навбатдаги амалий машқни бажарётгани. Ҳарбий профессионализмнинг ишончли хатти-ҳаракатларидан завқланиб турган йигитлар, ўзларига навбат келганда машқни устозидан қолишмай удалашга интилаётгани яққол кўзга ташланди. Бу ерда Абдухамиднинг ана бир яхши хислатига эътиборимиз тушди, у ўзидан тажрибаси камроқ ҳамкасбларига ҳам маслаҳат бериб турарди. Мусобақадорлардан ўзишга ҳаранат қилиш билан бирга умумжамоа манфаатини ҳам ўйлаган йигитдан хурсанд бўлдик.

Майор Аблай КАМОЛОВ, «Ватанпарвар» мухбири. (Муаллиф олган сурат).



Преподаватель факультета артиллерии (СВВАКУ) лейтенант Андрей Клеменко сам с отличием закончил это учебное заведение два года назад.

В курсантские годы он учился старательно. К каждому занятию, семинарам офицер А. Клеменко готовился тщательно, и по той или иной теме у него были свои рассуждения. Именно здесь проявились в нем педа-

гогические задатки. Опытные наставники училища не могли не заметить этого. И вот лейтенант Андрей Клеменко уже второй год сам в числе лучших преподавателей.

На снимке: лейтенант Андрей Клеменко во время проведения занятия.

Фото Александра МРУЧАКА.

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

● СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ ОЛДИДАН

Ҳалоскор кўк чой

Биз буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темурнинг музаффарона юришлари ҳақида кўп бор ўқиб, анча-мунча маълумотларга эгамиз. Уруш ўз номи билан уруш. Қай йўсинда, қандай мақсадларда олиб борилмасин, у қурбонларсиз ва машаққатларсиз кечмайди.

Улуғ саркарданинг юришлари билан кўк чой ўртасида қандай боғлиқлик борлиги сизни қизиқтирса керак, албатта. Маълумки, буюк жаҳонгир юришлари иқлим шароити бир-бирдан тубдан фарқ қиладиган ўлкаларда бўлган. Бу юришларда ҳар доим Соҳибқирон-



нинг қўли баланд келса-да бунга осонлик билан эришилмаган. Шундай юришларнинг бирида Амир Темурнинг музаффар кўшини хавф остида қолади. Аскарлар орасида юқумли ошқозон-ичак касаллиги тарқалиб, у кўшинга душмандан кўра жиддийроқ хавф тугдиради. Касалликни келти-

риб чиқарган манба ичмлик суви эканлиги аниқлангач, Амир Темурнинг қатъий буйруғи чиқарилади. Буйруққа кўра, кўшиннинг ҳар бир аъзоси қайнатилган кўк чой ичиши, буйруққа итоат қилмай совуқ сув ичган кишига ўлим (!) жазоси тайинланади.

Бироз шафқатсизликдай туюлади, шундай эмасми? Аммо, худди шундай темир интизом улкан кўшини касаллик туфағ-и парокандаликдан сақлаб қолди. Ниманинг эвазига денг-а?! Оддийгина кўк чойнинг шарофати билан...

Ивобат ИБРОҲИМОВА тайёрлади.
«Ватанпарвар» муҳбири.

● БУНИ СИЗ БИЛАСИЗМИ?

ЭНГ БИРИНЧИ...


Биринчи кимёвий музлатиш усули Римда XVI асрнинг ирқинчи йилларида ўйлаб топилган. У селитрани сувда эритишга асосланган эди. Бу ҳақда Бласиус Виллафранк 1550 йилда «Музлатиш методи (усули)» сарлавҳали мақоласида хабар қилган.

Муаллиф таъкидлашчи, бу усул билан Рим аристократлари столга тортиладиган вино ва сув музлатилган. «Виллафранк усулида музлатилган винодан тишлар зивиллар эди», деб ёзганди 1559 йилда Лемниус Левинус.

Биринчи музлатиш қурилмалари сотини мақсадида Австралия ва Америкада бир вақтда, яъни 1850 йилда ишлаб чиқарилган.

Америкада кимёвий музлатиш бўйича тажрибалоони Александр Тейнинг 1848 йилда бошлаган. У температурани пасайтириш учун эфир буғларини тез конденсациялаш усули бўйича иш олиб борган. Икки йилдан сўнг ўз илтига эришган олим биринчи музлатиш қурилмасини лойihalаштирган. Бу қурилма этил спирти билан музлатиладиган ўн та темир цистернадан иборат бўлиб, кунига 2 минг фунт муз ишлаб чиқарар эди.

Австралиялик Джеймс Харрисон яратган музлатиш қурилмаси эса аммиак буғ-



ламшига асосланган эди. Биринчи рўзгор музлақ кичлари 1913 йилда иккала давлатда ҳам пайдо бўлган. Америкада бу «Дотлер» элентр музлаткичи бўлиб, у Чикагода ишлаб чиқарилган. Егочдан ясалган музлаткичга музлатиш модаласи асосий камеранинг юқори қисмига ўрнатилган.

Европада биринчи музлақ кич Германиянинг электро-техника гиганти бўлиши АЕГ компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Бу катта, икки камерали музлақ кич бўлиб, ҳар бир камерада иккитадан «ух (цик)» жавонлари бўлган. Унинг нархи ҳам қиммат — 1750 марка баҳоланган. Бу нархга ўша вақтда уй сотиб олиш мумкин бўлган.

М. САДИВАЛИЕВ таржимаси.

Ўзбекистон болалари фотокўргазмаси

Токио шаҳрининг энг гажум Шинжукү даҳасида жойлашган «Коники Плаза» марказий фотокўргазмалар залини японияликлар жуда яхши билади. Чунки жаҳонга машҳур ушбу компания бу ерда сураткашларнинг турли мавзулардаги қизиқарли асарларини намойиш этади.

Яқинда «Коники» мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон болалари фотокўргазмасини уюштирди. Эътиборли томони шундаки, ташилотчиларнинг қайд этишлари, бугунги кунга келиб томошабинлар сони кўтилганидан ҳам ошиб кетди.

Мазкур тадбирда «Ҳайрат кўзлари» лойиҳаси асосида тайёрланган лавҳалар намойиш этилди. Олти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган Ўзбекистонлик болалар томонидан турли мавзуларда олинган фотосуратлар японияликларда жуда катта таассурот уйғотди.

Галереямизга ташриф буюрувчилар Ўзбекистон болаларининг фотокамера воситасида «сўзлаётган» ҳикояларини узоқ тинглашга ва уларни тушунишга ҳаракат қилишмоқда. Чунки ушбу суратлар профессионал фотографлар томонидан олинмаган бўлса-да, уларда чуқур мъно ва табиийлик бор. Шу боис бўлса керак, ташриф

буюраётганлар орасида бу ерга қайта келаётган ихлосмандларни учратаямиз, деди «Коники Плаза» бошқарувчиси жаноб Ҳ. Шнба.

Ҳа, бу фақат ўспирин болаларнинг сураткашлик борасидаги илк уринишлари холос. Чунки келажакда уларнинг айримлари дунёга машҳур фотографлар бўлиб этишар. Аммо ушбу уринишнинг ўзи катта иштиёқ ва матонатни талаб этади.

Юздан зиёд ўзбек фарзандлари қатнашган мазкур лойиҳа асосидаги фотокўргазма дастлаб 2001 йилнинг октябрь ойида пойтахт Токио ва шундан сўнг 2002 йилнинг июль ойида қадимий Пара шаҳарларида бўлиб ўтган эди.

Айнан шу кўргазма Ўзбекистон Мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида, яъни 2002 йилнинг август ойида Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларида ҳам катта муваффақият билан ўтказилди.

«Коники Плаза»да бўлиб ўтаётган навбатдаги кўргазмадан Ўзбекистон билан бир қаторда Австралия, Тайван ҳамда Шарқий Тимор болаларининг ижод намуналари ҳам жой олган.

Б. АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА,
Токио.

● ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР

ИГРА БЕЗ ФАЛЬШИ

В течение нескольких дней в Военно-оркестровой службе Министерства обороны Республики Узбекистан царил атмосфера необычного праздничного настроения. Здесь проходили учебно-методические сборы военных дирижеров. Со всех военных округов в Ташкент прибыли представители военных оркестров частей, чтобы не только обогатить опыт методического мастерства, но и продемонстрировать свое военно-музыкальное искусство.

Во время сборов каждому из них предстояло продемонстрировать уровень своего профессионального мастерства. Руководитель сборов заслуженный деятель искусств Узбекистана, главный военный дирижер Министерства обороны Республики Узбекистан полковник Павел Макаров строго оценивал мастерство каждого, сразу пресекая даже любой намек на ошибку.

— А иначе и быть не должно, — говорит полковник Павел Макаров, — ведь военные мелодии — это создание боевого духа, патри-

тизма и, конечно же, романтики армейской службы для каждого защитника Родины. И в этом фальши быть не может.

Хорошую специальную подготовку по управлению военным оркестром показали майор Юнус Акрамов (Бухарский гарнизон), старший лейтенант Сергей Сараджанов (Самаркандский), сержант по контракту Одил Собиров (Нукусский) и другие.

Широко была представлена география гарнизонов на сборах, но цель отрабатывалась одна: повысить роль военного оркестра в нравственном и духовном воспитании военнослужащих и членов их семей. Вместе с этим участники сборов имели возможность качественно подготовиться к предстоящему конкурсу военных оркестров, который пройдет в апреле — мае в Центральном Доме офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Успехов вам, мастера в погонах!

Лейтенант
Хасан МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

ФОЙДАЛИ МАСЛАХАТЛАР

Чойшабларни дазмоллашдан олдин ударни бир оз иссиқ сув билан намлаган маъмул: шунда совуқ сув билан намлангандагига қараганда осонроқ дазмолланади.

Агар чойшаблар ёқимли ифдор таратсин десангиз, уларни тахлаётганда орасига бир оз атир шимдирилган босма қоғози қўйиб қўйинг.

ХАНДАЛАР

Ўқитувчи тижоратчининг ўглини қақриб сўради:

— Еттига етгани қўшса неча бўлади?
— Ўн саккиз.
— Ошириб юбордингми дейман.
— Ками энди сиздан-да, домла.

— Менга бир парашют таллаб берсангиз, — деди харидор сотувчидан.

Сотувчи: — Мана бу парашют энг яхшиси, шунга олаверинг. Агар сакраганингизда очилмаса, олиб келинг, бошқасига алмаштириб берамиз.


Отеллонинг янги ўйнаган актёр машҳур актёрдан сўради:

— Мен ролни яхши ўйнадим-а, айниқса Дездемонани яхши ўлдирдим-а?
— Яхши, лекин Шекспирни ундан кўра кўпроқ ўлдирдинг.

Ресторанда:
— Менга бифштекс келтиринг. Лекин у янги гўшдан бўлсин, қаттиқ қоврилиб юборилмасин, юмшоқ бўлсин. Тўрт ойлик бузоқ гўшtidан бўлса жуда соз бўларди.

— Бу бузоқнинг қони қайси гурупага мансуб бўлсин, — дея тавозе билан сўрабди официант.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆



Хурчатли НОЗИКОН! Сизни 36 баҳорни қарши олганингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, шарафли хизматингизда каттадан-катта зафарлар тилайман.

Умр йўлдошингиз капитан Улугбек ҒАЗИЕВ (СОҲАҚМБЮ).

КУПЛЮ део-, телеаппарат., БК. Т.: 90-73-29.
ПРОДАЮ
◆ Холод., мороз., шв. маш., оверлок, газ. пл., ви- ◆ Холод., мороз., шв. маш. Т.: 90-99-29.

ЭТО ИНТЕРЕСНО О РАЗНОМ...



кю звездочку Алькор, значит, твой глаз обладает нормальной остротой зрения.

Такой способ проверки был привят у древних арабов. Мицар — по-арабски «ночь». Алькор — «всадник». И только тот воин считался зорким, который видел всадника на коне.

Во многих школах Греции в число обязательных дисциплин входит езда на собаках и чистройка лодок. Всех мальчишек с малолетства обучают владеть гарпуном.

Чемпион по плаванию на дальние дистанции среди животных — белый медведь. Этого пловца встречали в открытом море за 600 километров от берега или ближайшей плавучей льдины.

Высота крупнейшей горы Европы — Монблана — составляет 4810 метров. Несколько десятков лет назад восхождение на Монблан считалось подвигом.

Между тем, самый высокогорный аэродром в мире, располагающийся пятикилометровой взлетно-посадочной полосой, находится в Боливии и вознесен над уровнем моря на... 4100 метров. В окрестностях аэродрома живут и работают сотни самых обыкновенных людей.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 1 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўнга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 АҚШ доллари 968,69
1 евро 1048,41

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотин ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

7-13 АПРЕЛЯ

ПОНЕДЕЛЬНИК, 7.04

6.55, 15.30, 22.30 «24». Информационная программа. 7.30 «Битлборги».

19.20 «Чисто по жизни».

20.55 «Футурама». 21.20 «На углу, у Патриарших».

ПЯТНИЦА, 11.04

6.55, 15.30, 22.30 «24». Информационная программа. 7.30 «Битлборги».

12.45 «Тайный знак».

14.00 «Нокаут». Новости бокса. 14.30 «24». Информационная программа.

ВТОРНИК, 8.04

6.55, 15.30, 22.30 «24». Информационная программа. 7.30 «Битлборги».

СРЕДА, 9.04

6.55, 15.30, 22.30 «24». Информационная программа. 7.30 «Битлборги».

ЧЕТВЕРГ, 10.04

6.55, 15.30, 22.30 «24». Информационная программа. 7.30 «Битлборги».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 13.04

6.30 «Дикая планета»: «Спасатели». Док. фильм. 9.30 «Денно-непоседа».

7 АПРЕЛЯ

6.00 «Ассалем, Узбекистон!». 8.00 «Тахлинома».

7 АПРЕЛЯ

17.00 «Узы любви». 17.55, 19.05, «Экспресс».

7 АПРЕЛЯ

8.40 Вести. Дежурная часть. 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 3.00 Вести.

5.00 Утро на НТВ.

7.50 «Смешные». 9.00 «Сегодня утром». 9.25 «Команда».

К СВЕДЕНИЮ АВОНЕТОВ КАБЕЛЬНОГО ТЕЛЕВИДЕНИЯ

В сети вещания российских ТВ-каналов возможны временные изменения. По вопросам несоответствия указанного в программах времени следует обращаться в соответствующие службы кабельного и спутникового телевидения.

19.00 «Мужнин возвращается». 19.30 «История о призраке».

19.30 «История о призраке». 19.30 «История о призраке».

19.30 «История о призраке». 19.30 «История о призраке».

19.30 «История о призраке». 19.30 «История о призраке».

19.30 «История о призраке». 19.30 «История о призраке».

19.30 «История о призраке». 19.30 «История о призраке».

19.30 «История о призраке». 19.30 «История о призраке».

19.30 «История о призраке». 19.30 «История о призраке».

8 АПРЕЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!»
8.00 «Ахборот»
8.40 Газеталар шархи
9.00 «Соз сеҳри»
9.20 «Адабий жарағи»
9.40 «Оламин асрағи»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мушкор»
10.20 «Буданка мехмонхонаси»
10.25 «Рағини дуд»
12.25 «Эрталаб — яхшилик атаклар»
13.25 Муслик танаффус
13.35 «Кўпчилик каторида»
14.10 «Муносабат»
14.50 «Биринчи калдирғоч»
Фильм
16.00 «Қўшиғи — жон кўшиғи»
16.25 «Камилла»
16.55 «Ватанимга хизмат киламан»
18.10 «Репортаж»
18.15 «Баркамол авлод ортуси»
18.35 «Тафсилот»
18.55 «Узбекистон Давлат санъат музейи хазинаси»
Премьера
19.05 «Калкон»
19.30 «Ахборот» (рус.)
20.00 Оқшом эрталабчи.
20.15 «Узбекистон янгиликлари» (ингл.)
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сўбат оламида»
21.35 «Камилла»
22.05 «Солик ва биз»
22.20 «Спорт, спорт, спорт»
22.35 «Ғаройиб ходиса»
Фильм
23.35 «Ахборот-дайджест»

18.55, 21.55 Икким
19.40 «Данар-интервью»
19.55 «Кутарув «050»»
20.10 Кўхна оҳангарлар
20.20 Ешлар овози
20.45 «Гладдуле»
21.30 Марди майдон
21.50 Олтин мерос
22.45 «Вуюк Амир Темур»
23.15 «Ешлар» телеканалда спорт дастури: Нокаут
